

(НАМУНА)

\_\_\_\_\_ - СОНЛИ МИКРОКРЕДИТ ШАРТНОМАСИ

(кичик тадбиркорлик субъектларига миллий валютада 100 миллион сўмгача гаровсиз микрокредит ажратиш бўйича)

\_\_\_\_\_ ш. 20\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_

Кейинги матнда «Банк» деб юритиладиган «InfinBank» АЖ номидан \_\_\_\_\_ асосида ҳаракат қилувчи \_\_\_\_\_, бир томондан, ва кейинги матнда «Қарз олувчи» деб юритиладиган \_\_\_\_\_ номидан \_\_\_\_\_ асосида ҳаракат қилувчи \_\_\_\_\_, иккинчи томондан, ушбу шартномани Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 744-748-моддаларига мувофиқ қуйидагилар тўғрисида туздилар:

**АТАМАЛАР:**

**Компания** - “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” Акциядорлик жамияти;  
**Қайта молиялаштириш** – Қарз олувчига 100 миллион сўмгача ажратилган микрокредитлар бўйича Компания томонидан банкка депозит жойлаштириш орқали қайта молиялаштириш;  
**Гаров депозити** – қайта молиялаштирилган микрокредитлар бўйича ҳудуд тоифасидан келиб чиқиб кредит таваккалчилигини Компания ва Банк ўртасида тақсимлаш мақсадида тақдим этилган гаров маблағи;  
**Портфел кафиллиги** – Банк томонидан ўз маблағлари ҳисобидан қарз олувчига 100 миллион сўмгача гаровсиз ажратилган микрокредитлар бўйича мажбуриятларни бажариш учун жавоб бериш масъулиятини ҳудуд тоифасидан келиб чиқиб Компанияга юклайдиган кафиллик шартномаси;  
**Ҳудуд тоифаси** - Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.12.2022 йилдаги ПФ-287-сонли Фармонида асосан Республика туман ва шаҳарларининг 5 тоифаси;  
**Кредитдан мақсадсиз фойдаланиш** – кредит эвазига сотиб олинган товар (хизмат)ларни шартномаларда белгиланган муддатларда етказиб берилмаслиги ва (ёки) етказиб берилган ҳолларда ҳам лойиҳа ишга туширилмаслиги ёхуд уларни сотиб юборилиши ёки бошқача тарзда бегоналаштирилиши.

**I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

1.1. Банк Қарз олувчига ушбу Шартнома шартларида миллий валютада \_\_\_\_\_ учун \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) сўм миқдорида нақд пулсиз шаклда микрокредит (кейинчалик матнда – кредит) бериш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. Кредит ажратиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 7 сентябрдаги “Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш” комплекс дастурини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-312-сон Қарори талаблари асосида амалга оширилади.

1.3. Кредит манбаси - Компания маблағлари.

1.4. Қарз олувчининг рўйхатдан ўтган ва фаолият юритаётган ҳудуд тоифаси - \_\_\_\_\_.

**II. КРЕДИТ БЕРИШ ШАРТЛАРИ**

2.1. Кредит Қарз олувчига Шартноманинг 1.1-бандида кўрсатилган мақсадлар учун берилади.

2.2. Қарз олувчи ушбу Шартноманинг 5.1-бандида кўрсатилган шартларни бажаргандан сўнг, ушбу Шартноманинг 1.1-бандида кўрсатилган мақсадлар учун кредит бўйича маблағ олишни (танлашни) амалга ошириш ҳуқуқига эга.

2.3. Кредит бўйича маблағ олиш (танлаш) Қарз олувчи томонидан \_\_\_\_\_ сотиб олишга тегишли шартномалар тақдим этилиши ҳолати бўйича банк ўтказмаси орқали амалга оширилади.

2.4. Кредитдан фойдаланиш муддати – ушбу Шартнома имзоланган санадан бошлаб \_\_\_\_\_ ой.

2.5. Асосий қарзни тўлаш бўйича имтиёзли давр – ушбу Шартнома бўйича кредит маблағлари ажратилган кундан бошлаб \_\_\_\_\_ ой.

2.6. Кредит бўйича асосий қарзни қайтариш қуйидаги жадвалга мувофиқ амалга оширилади:

| Тўлов навбати | Тўлов суммаси | Тўлов санаси |
|---------------|---------------|--------------|
|               |               |              |
|               |               |              |
| <b>ЖАМИ:</b>  |               | <b>***</b>   |

2.7. Кредитга фоизлар кредитнинг амалда олинган (танланган) қисмига, белгиланган тартибда биринчи олиш (танлаш) санасидан бошлаб йилига \_\_\_\_ % **микдорида** ҳисобланади.

2.8. Мазкур Шартноманинг 2.6. - бандида кўрсатилган кредит (асосий қарз) ни қайтариш муддатлари бузилганида:

- Кредит бўйича асосий қарзни қайтариш муддати бузилган кундан бошлаб кредитни қайтариш 90 (тўқсон) календарь кунгача кечиктирилганда мазкур Шартноманинг 2.7. - бандида белгиланган фоиз ставкаси 3 (уч) бараварга оширилади ва **кредит бўйича муддати ўтган асосий қарз қолдиғига нисбатан** ҳисобланади;

- Кредит бўйича асосий қарзни қайтариш муддати бузилган кундан бошлаб кредитни қайтариш 90 (тўқсон) календарь кун ва ундан ортиқ муддатга кечиктирилганда мазкур Шартноманинг 2.7.- бандида белгиланган фоиз ставкаси 3 (уч) бараварга оширилади ва **кредит бўйича барча асосий қарз қолдиғига нисбатан** ҳисобланади.

2.9. Фоизлар суммаси Қарз олувчининг кредит бўйича амалдаги қарздорлигидан келиб чиққан ҳолда, кредитдан фойдаланиш даврининг амалда ўтган кунлар сонини йиллик базавий даврга (365 кунга) бўлиш асосида ҳисоб-китоб қилинади. Кредит учун фоизлар тўлови миллий валютада, молиялаштириш очилган санадан бошлаб, ойига бир марта, ойнинг \_\_\_\_\_ кунида амалга оширилади. Фоизлар бўйича охириги тўлов кредит қайтарилишининг якуний санасида амалга оширилади.

2.10. Кредит бўйича ушбу шартноманинг 2.7-бандида кўрсатилган фоиз ставкаси Банк ташаббуси билан томонлар тарафидан биргаликда қўшимча келишув тузиш орқали қайта кўриб чиқиши мумкин.

2.11. Фоиз ставкаси тури (кераклиги белгилансин):

ўзгармас ☐

ўзгарувчи фоиз ставкаси ☐

2.12. Кредитнинг асосий суммаси ва фоизларини тўлаш усули (кераклиги белгилансин):

дифференциал ☐

аннуитет ☐

2.13. Кичик тадбиркорлик субъектларига микрокредитларларнинг гаровсиз ажратиладиган ҳамда Компаниянинг шартлари ва талабларига мувофиқ келувчи 100 миллион

сўмгача миқдори Компания томонидан депозит жойлаштириш орқали қайта молиялаштирилиши ёки улар бўйича Компаниянинг портфел кафиллиги тақдим этилиши мумкин.

2.14. Қарз олувчига ажратилган кредит бўйича қарздорлик тўлиқ сўндирилмагунга қадар Қарз олувчи такроран Компания томонидан қайта молиялаштирилмайди ва портфел кафиллиги тақдим этилмайди.

### **III. БАНК ЎЗ ЗИММАСИГА ҚУЙИДАГИ МАЖБУРИЯТЛАРНИ ОЛАДИ**

3.1. Қарз олувчига ушбу Шартноманинг I, II Бўлимларида белгиланган шартларда миллий валютада кредит бериш. Банк Қарз олувчи томонидан молиялаштиришни очиш учун зарур бўлган барча шартлар бажарилган вақтдан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида Қарз олувчига ушбу шартномада қайд этилган миқдорда ва шартларда кредит бериш мажбуриятини олади.

3.2. Кредит бўйича белгиланган мақсадига мувофиқ ушбу Шартноманинг 1.1-бандида кўрсатилган мақсадлар учун Қарз олувчининг ссуда ҳисобварағидан маблағлар берилишини амалга ошириш.

3.3. Кредитдан фойдаланиш ва унинг қайтарилиши, ҳисобланган ва тўланган фоизлар ва пеня ҳисобини юритиш.

3.4. Банкнинг кредит бериш мажбурияти Қарз олувчининг ушбу Шартномада молиялаштириш очилишига қадар ижро этилиши назарда тутилган мажбуриятлари бажарилганидан сўнг кучга киради.

3.5. Банк Қарз олувчига ушбу шартномада назарда тутилган кредитни беришдан бутунлай ёки қисман бош тортган тақдирда, ушбу кредит бўйича маблағлар беришни тўхтатиб қўйиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан бошлаб кейинги иш кунидан кечиктирмасдан Қарз олувчига кредит бериш тўхтатилганлиги ва унинг сабаблари юзасидан ёзма хабарнома юбориши шарт.

3.6. Агар кредитни қайтариш жадвали расмийлаштирилгандан сўнг кредит бўйича молиялаштиришни бошлаш муддатлари ёки шартномада кўзда тутилган ўзгарувчан фоиз ставкаси ўзгариши, кредит шартномасининг шартлари томонлар ўртасида қайта кўриб чиқилиши (шу жумладан, кредитнинг реструктуризация қилиниши), Қарз олувчи томонидан кредит қисман муддатидан олдин сўндирилиши муносабати билан кредит бўйича тўловларни амалга ошириш саналари ва муддатлари ёки оралиқ кредит тўловларининг миқдорлари ўзгарганда Банк кредитни қайтариш жадвалини янгидан расмийлаштириб, Қарз олувчига тақдим қилади.

Бунда, кредитни қайтариш жадвали янгидан расмийлаштирилиши билан ундан олдин мавжуд бўлган кредитни қайтариш жадвали ўз кучини йўқотади.

### **IV. ҚАРЗ ОЛУВЧИ ЎЗ ЗИММАСИГА ҚУЙИДАГИ МАЖБУРИЯТЛАРНИ ОЛАДИ**

4.1. Кредитдан белгиланган мақсадларда, ушбу Шартноманинг 1.1-бандидаги шартлар асосида фойдаланиш.

4.2. Ушбу Шартноманинг 5.1-бандида назарда тутилган таъминотни қонун ҳужжатларида ва ушбу шартномада белгиланган тартибда расмийлаштириш ва Банкка тақдим этиш.

4.3. Кредитдан фойдаланиш жараёнида кредит беришнинг асосий тамойиллари бўлмиш: муддатлилик, қайтарувчанлик, тўловлилик, мақсадлилик ва таъминланганликка риоя қилиш.

4.4. Ушбу Шартнома бўйича Банкка тегишли бўлган барча суммаларни кредит валютасида тўлаб бориш.

4.5. Ушбу Шартномага мувофиқ Банкка тегишли бўлган суммалар Банк томонидан олинган вақтда тўланган ҳисобланади.

Агар Қарз олувчи томонидан амалга оширилган тўлов суммаси Қарз олувчига ажратилган кредит бўйича мажбуриятларни бажариш учун етарли бўлмаса, Қарз олувчининг қарзи қуйидаги навбатда қопланади:

1) асосий қарз бўйича муддати ўтган қарздорлик ва муддати ўтган фоиз тўловлари мутаносиб равишда;

2) жорий давр учун ҳисобланган фоизлар ва жорий давр учун асосий қарз бўйича қарздорлик;

3) неустойка (жарима, пеня);

4) Банкнинг қарздорликни узиш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатлари.

4.6. Кредит қайтарилишини (кредит бўйича асосий қарз, кредит учун фоизлар, воситачилик ҳақи, пеня ва бошқа тўловларни) ушбу Шартноманинг II бўлимида кўрсатилган муддатларда ва шартларда амалга ошириш.

4.7. Банкка кредит бўйича, шу жумладан тўлашга тақдим этилган асосий қарз, фоизлар ва пенялар бўйича қарздорлик тўлови учун Қарз олувчининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлари ҳамда, агар мавжуд бўлса ёки келгусида очилса, бошқа ҳисобварақлари ҳисобидан пул маблағларини ҳисобдан чиқаришга қайтариб олинмайдиган ва сўзсиз ҳуқуқини тақдим этиш.

4.8. Ушбу шартнома шартларига мувофиқ кредит бўйича муддатли мажбуриятларни расмийлаштириш ва тақдим этиш.

4.9. Қарз олувчи «InFinBank» АЖ олдидаги барча мажбуриятларни бажариб тугатмагунга қадар бошқа банкларда ҳисоб рақамларини очмаслик, кредитлар олмаслик, ўзига тегишли мол-мулкни гаровга қўймаслик, кафилликлар бермаслик, ўз зиммасига бошқа мажбуриятларни олмаслик ҳамда «InFinBank» АЖ дастлабки ёзма розилигисиз фойдасини тақсимламаслик мажбуриятини олади. Ушбу шарт бузилган тақдирда Қарз олувчи Банкка ҳар бир қоидабузарлик тури учун «InFinBank» АЖ дан олинаётган кредит бўйича қарздорлик қолдиғининг 0,1% миқдорида жарима тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.10. Қарз олувчининг режалаштирилаётган ташкилий-ҳуқуқий ёки ўзгача қайта ташкил этилиши ҳақида Банкка олдиндан хабар бериш.

4.11. Банкнинг олдиндан сўровномаси бўйича Банк вакилларига кредит мақсадли фойдаланилаётганини текшириш имкониятини таъминлаш.

4.12. Қарз олувчининг хўжалик фаолиятига ва унинг кредитни қайтариш қобилиятига қандайдир тарзда салбий таъсир этиши мумкин бўлган хўжалик ва юридик операцияларнинг исталган турларини ҳамда Қарз олувчининг уставига зид бўлган операцияларни амалга оширмаслик.

4.13. Томонлардан бири мустақил юридик шахс сифатида ўз фаолиятини тугатган ёки унинг юридик ҳолатида ўзгартиришлар юз берган тақдирда, қайта ташкил этилган (ўзгартиришлар киритилган) томоннинг ҳуқуқий вориси зиммасига ушбу Шартнома бўйича барча мажбуриятларни бажариш юкланади. Қарз олувчи тугатилишида у кредит ва фоизлар бўйича қарздорликни дарҳол тўлаб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.14. Қарз олувчининг молия-хўжалик фаолиятини ҳамда ушбу Шартноманинг V Бўлимида назарда тутилган кредит бўйича тақдим этилган гаров таъминотининг ҳолатини йилнинг ҳар чорагида мониторинг қилиш мақсадида, Банкка қонун ҳужжатларида белгиланган шаклда бухгалтерия, статистика ва ҳар қандай бошқа ҳисоботларни, маълумотларни, шу жумладан Банк томонидан белгиланган шаклда лизинг портфелининг аҳволи тўғрисидаги маълумотларни, жалб қилинаётган кредит ҳисобига маблағ билан таъминланган лизинг битимлари бўйича ҳужжатларни Банкнинг сўровномаси бўйича, шунингдек, ушбу шартнома амалда бўлган даврда Банк томонидан сўровнома асосида олиниши лозим топилган бошқа тегишли ҳужжатларни йилнинг ҳар чорагида тақдим этиш. Бундан ташқари, Банкнинг сўровномаси бўйича ишлаб чиқариш, омборхона, маъмурий биноларга, ишлаб чиқариш жараёнида қатнашадиган ускуналар ва гаров таъминоти сақланаётган жойларга, шунингдек, гаров таъминоти, шу жумладан кўздан кечириш учун учинчи шахсларнинг ҳузурига тўсиқсиз ташриф буюриш учун имконият яратиш.

4.15. Қарз олувчи банк олдидаги мажбуриятларни ҳар ойда бажариш учун етарли бўлган керакли миқдорда пул маблағларини ўз вақтида шакллантириш ҳамда Қарз олувчининг «InfinBANK» АЖда очилган ҳисоб рақамида камида \_\_\_\_\_ сўм миқдорида бўш маблағлар сақланишини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.16. Ихтиёрий тугатиш ёки банкротлик тартиби бошланиши кутилаётган санадан 2 (икки) ой олдин бу ҳақда Банкни хабардор қилиш.

4.17. Ихтиёрий тугатиш жараёни бошланишидан олдин ушбу шартнома бўйича Банк олдидаги барча қарздорликни тўлаш.

4.18. Қарз олувчи кредит бўйича қарздорликни тўлиқ қоплагунга қадар Банк томонидан белгиланган муддатда қарзга ва Қарз олувчига оид ҳар қандай маълумот ва ҳужжатларни Банкка тақдим этиш мажбуриятини олади. Маълумотлар ва ҳужжатлар ушбу бандда белгиланган муддатда тақдим этилмаган тақдирда, Қарз олувчи банкка кечиктирилган ҳар бир кун учун ушбу шартнома бўйича асосий қарз қолдиғининг 0,01 фоизи миқдорида пеня тўлайди.

4.19. Қарз олувчи қуйидагиларга мажбур:

а) кредит маблағларидан молиявий, банк, маъмурий меъёр ва амалиётга мувофиқ самарали фойдаланиш;

б) ўз фаолиятини амалга ошириш ва ушбу шартнома шартларига риоя қилиш учун барча зарур рухсатномалар ва лицензияларни ўз вақтида олиш ва муддатини узайтириш.

4.20. Ушбу шартноманинг амал қилиш муддати давомида Қарз олувчи Банкнинг олдиндан розилигисиз қуйидагиларни **бажармаслиги лозим**:

а) Шартлари бўйича Қарз олувчининг ушбу шартнома бўйича мажбуриятларига нисбатан устувор талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлиши мумкин бўлган учинчи шахслар кредитларини жалб қилиш;

б) бажарилиши ушбу шартнома шартларига зид келиши ёки Қарз олувчининг ушбу шартнома бўйича мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таҳдид солиши мумкин бўлган ҳар қандай шартномаларни учинчи шахслар билан тузиш;

в) Қарз олувчи фаолиятининг ёки активларининг барча ёки катта қисми учинчи шахс томонидан бошқарилиши мумкин бўлган шартномалар тузиш;

г) фаолиятини қайта ташкил этиш ёки тугатишни амалга ошириш;

д) кредит маблағларидан ушбу шартномада назарда тутилмаган мақсадларда фойдаланиш;

ж) ўз капиталини камайитириш ёки ўз акцияларини сотиб олиш.

з) қарз олувчи Банкнинг олдиндан ёзма рухсатисиз ўз таъсис ҳужжатларига, шу жумладан, лекин улар билан чекланмаган ҳолда, таъсисчилар/акциядорлар таркиби, ва уларнинг эгалик улушлари тақсимоти ўзгариши каби муҳим ўзгартиришлар киритиш ва шунга ўхшаш ҳар қандай ўзгартиришларга йўл қўйиш.

## V. ТАЪМИНОТ

5.1. Кредит қайта молиялаштирилганида Компания Банкка жойлаштирган гаров депозити маблағларининг тегишли қисми худуднинг тоифасидан келиб чиқиб, ёки Компаниянинг микрокредит бўйича портфел кафиллиги кредит бўйича таъминот сифатида қабул қилинади.

5.2. Кредит бўйича мажбурият бажарилишини таъминлаш учун зарур ҳужжатларни расмийлаштириш билан боғлиқ барча харажатлар Қарз олувчи томонидан амалга оширилади.

## VI. БАНК ҲУҚУҚЛАРИ

6.1. Қарз олувчи томонидан ушбу Шартноманинг шартлари бузилганда Банк асосий қарз, ҳисобланган фоизлар ва кредит бўйича бошқа тўловлар бўйича бутун қарздорликни Қарз олувчининг исталган ҳисобварақларидан акцептсиз тартибда ҳисобдан чиқариш ҳуқуқига эга.

6.2. Қарз олувчи томонидан ушбу Шартноманинг шартлари бузилганда Банк сўзсиз ва қайтариб олинмайдиган тартибда кредит бўйича маблағ олишни (танлашни) вақтинчалик тўхтатиш ва/ёки ушбу линия бўйича маблағ беришни кейинчалик рад этиш ҳуқуқига эга бўлади.

6.3. Ушбу Шартномага биноан амалда сақланиши лозим бўлган исталган суғурта шартномаси Қарз олувчи томонидан суғурта мукофотлари тўланмаганлиги оқибатида исталган вақтда ва исталган сабабга кўра амал кучига эга бўлмаслиги эҳтимолини назарда тутган ҳолда, Банк бундан кейин ёки бу ҳолат давом этаётган исталган вақтда бундай мукофотни Қарз олувчи ўрнига ўз номидан тўлаш ва эҳтимолий зарарни Банк томонидан мақсадга мувофиқ ёки зарур деб топиш усулда имкон қадар камайтириш мақсадида барча шу каби чораларни кўриш ҳуқуқига эга бўлади (лекин бундай мажбуриятни ўз зиммасига олмайди). Бунда Банк тўланган суммани Қарз олувчидан сўзсиз тартибда ундириш ҳуқуқига эга.

6.4. Банк кредитдан мақсадсиз фойдаланилгани ҳолатини аниқлаган тақдирда Банк кредитни муддатидан олдин ундириш ҳуқуқига эга бўлади. Бунда Банк бу чорани қўллашдан 5 (беш) кун олдин Қарз олувчини муддатидан олдин ундирув ҳақида огоҳлантириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

6.5. Банк ушбу Шартномани тузиш, Қарз олувчи томонидан тақдим этилган таъминот ва шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилиши юзасидан маълумотларни Кредит ахбороти миллий институтига, «Кредит-ахборот таҳлилий маркази» Кредит бюроси» МЧЖга ва бошқа кредит бюроларига, ДУК «Таров реестри»га тақдим этиш ва улардан олиш ҳуқуқига эга.

6.6. Ушбу Шартноманинг 4 ва 5 Бўлимида кўрсатилган мажбуриятлар Қарз олувчи томонидан бузилган тақдирда, Банк Қарз олувчига нисбатан ҳар бир қоидабузарлик ҳолати учун кредит бўйича қарздорлик қолдиғининг 0,01% миқдориди пеня қўллаш ҳуқуқига эга бўлади ва унинг миқдори ушбу қоидабузарлик юзага келган кундан бошлаб у тўлиқ бартараф этилишига қадар мажбуриятларни бузиш ҳар бир кунига ҳисобланади.

## **VII. ҚАРЗ ОЛУВЧИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ**

7.1. Ушбу Шартнома бўйича ушбу Шартномада қайд этилган шартларда ва суммаларда маблағ олиш.

7.2. Кредит бўйича асосий қарз суммасини, муддатидан олдин қайтариш санаси ҳолатига кредитдан амалда фойдаланиш даври учун ҳисобланиб тўланмаган фоизларни ҳамда кредит бўйича бошқа тўловларни ҳисобга олган ҳолда муддатидан илгари қайтариш.

7.3. Банк билан келишилган ҳолда кредит бўйича таъминот таркибидан мол-мулкни чиқариш.

7.4. Ушбу шартнома тузилгандан сўнг ва Қарз олувчи ушбу шартнома бўйича кредит олишига қадар кредит олишдан бепул асосда воз кечиш.

7.5. Кредитни муддатидан олдин, бунинг учун ҳеч қандай жарималарни тўламасдан, исталган вақтда тўлиқ қайтариш.

7.6. Банкнинг айби билан кредит маблағларини бериш мажбурияти бажарилмаганлиги ёки ўз вақтида бажарилмаганлиги учун Банкдан 1 БҲМ миқдориди жарима ундириш.

## **VIII. КРЕДИТНИ МУДДАТИДАН ОЛДИН УНДИРУВИ**

8.1. Банк Қарз олувчидан кредит суммасини ва бошқа тегишли тўловларни муддатидан олдин дарҳол тўлаб берилишини талаб қилиш ҳамда муддатидан олдин ундириш тўғрисидаги тегишли даъво-талаблари билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлишига қуйидаги ҳолатлардан исталгани содир бўлгани ва давом этаётгани асос бўлади, жумладан:

а) Қарз олувчи кредит бўйича ўз қарзларини қайтариш қобилиятини йўқотиши ёки уларни тўлаш муддатида қайтармаётганлиги ва бу ҳолат тўлаш муддати бузилган вақтдан бошлаб 60 календар куни давом этиши;

б) Қарз олувчи ушбу Кредит Шартномаси бўйича ва/ёки исталган бошқа келишув бўйича, шу жумладан, гаров, кафиллик шартномаси ва бошқа битимлар (шу жумладан, тўлов жадвали бўйича тўловни амалга ошириш) бўйича ўз мажбуриятларини бажармаётганлиги ва бу ҳолат Банк Қарз олувчига бажармаётганлик ҳолати ҳақида хабар бергандан сўнг 5 (беш) иш куни давом этиши;

в) Қарз олувчининг (Кредит бўйича бўлган қарздорликдан ташқари) қандайдир қарздорлиги юзасидан ёки Қарз олувчининг белгиланган муддатда тўланмаган қандайдир қарздорлиги бўлган шартномага асосан белгиланган мажбуриятлар бажарилмаётганлиги;

г) Кредит бўйича таъминот ёки таъминотнинг бирон бир қисми ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларга нисбатан ўзининг юридик кучини йўқотиши;

д) Исталган давлат органлари Қарз олувчига тегишли мол-мулкнинг ёки бошқа активларнинг барчасини ёки исталган қисмини, ёхуд унинг устав капиталини мусодара қилаётганлиги, миллийлаштираётганлиги ёки бошқа усулларда экспроприация қилаётганлиги, ёки Қарз олувчининг мол-мулкни ёки бошқа активларини, ёки унинг бизнесини, операциялари ёки устав капиталини сақлаш ёки назорат қилиш учун қабул қилаётганлиги, ёхуд Қарз олувчини тарқатиб юбориш ёки фаолиятини тугатиш учун исталган ҳаракатни, ёки Қарз олувчи ёхуд унинг ходимлари бизнес ёки операцияларнинг барчасини ёки аҳамиятли қисмини давом эттиришига тўсқинлик қиладиган исталган ҳаракатни амалга оширганлиги;

е) Қарз олувчи ёки бирон бир тарзда Қарз олувчига алоқадор бўлган учинчи шахсларга нисбатан даъво-талаблари ёки иш юритуви қўзғатилиши ва уларнинг натижасида Қарз олувчининг исталган мол-мулки унинг кредиторлари ўртасида тақсимланиши эҳтимоли мавжудлиги;

ё) 4 ва 5 Бўлимларда кўрсатилган мажбуриятлар ушбу Бўлимларда кўрсатилган муддатларда бажарилмаганлиги;

ж) Қарз олувчининг мол-мулкига ундирув қаратилиши ёки банд солиниши;

з) ушбу шартноманинг 2.10.-бандида кўрсатилган масала бўйича келишувга эришилмаган ва қўшимча келишув тузилмаган ҳолларда.

и) Банкнинг фикрига кўра, Қарз олувчининг банк олдидаги тўлов мажбуриятларини бажаришига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган воқеалар содир бўлганлиги;

к) Банкни олдиндан ёзма равишда хабардор қилмасдан, Қарз олувчининг капиталини камайтириш, қайта ташкил этиш, қўшилиш, мулкни топшириш, бўлиниш ёки тугатиш амалга оширилганда;

л) Банк ва/ёки аудиторлик компанияларининг фикрига кўра, Қарз олувчининг молиявий аҳволи ёмонлашганда;

м) Қарз олувчининг ушбу шартнома бўйича ҳар қандай мажбуриятларини бажариш қобилиятига таъсир қилувчи қонунчилик ёки тартибга солувчи қоидалар киритилганда;

н) Қарз олувчининг ушбу шартнома бўйича мажбуриятларини тўғри бажариши учун зарур бўлган ҳар қандай рухсатномалар, лицензиялар, рўйхатга олишлар, сертификатлар ва бошқалар ўз кучини йўқотган бўлса;

о) Қарз олувчи ўз тўлов мажбуриятларини бажара олмаган ёки унга нисбатан банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилган ёки Қарз олувчи банкрот деб эълон қилинганда;

п) Қарз олувчи ушбу шартнома бўйича бошқа ҳар қандай мажбуриятларни бажармаганда;

р) Ҳар қандай ваколатли орган Қарз олувчини тугатиш ёки унинг фаолиятини тўхтатиб туриш ёки шунга ўхшаш Қарз олувчига таъсир кўрсатадиган бошқа ҳаракатларни амалга оширган бўлса.

с) Кредитдан мақсадсиз фойдаланиш ҳолатлари аниқланганда.

## **IX. ҚўЛЛАНАДИГАН ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

9.1. Ушбу Шартнома қоидалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган меъёрлар билангина тартибга солинади.

9.2. Мазкур Шартнома ёки у муносабати билан келиб чиқиши мумкин бўлган барча низоларни томонлар музокаралар йўли билан ҳал қилишга ҳаракат қиладилар. Агар томонлар келишувга эришмаса, улар ўртасидаги низо Банк ихтиёрига кўра:

ё Банк (агар кредит Банк филиали томонидан берилган бўлса, Банк филиали) жойлашган манзил бўйича судда;

ёки Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари ҳузуридаги ҳакамлик судида ҳал этилади.

9.3. Ушбу Шартномага боғлиқ юзага келадиган исталган суд жараёнида, ушбу шартномага мувофиқ Банкга тегишли бўлган исталган сумма бўйича Банк ҳужжатлари бундай сумма Банкга тегишли эканлиги ва унга тўланиши лозимлигининг дастлабки далил-исботи ҳисобланиши керак.

## **Х. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ (ФМХ)**

10.1. Томонлардан ҳеч бири ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаганлиги учун, бундай ҳолат Шартномани тузишдан сўнг юзага келган ва оқилона чоралар ёрдамида олдини олиш имконсиз бўлган энгиб бўлмайдиган куч ҳолати (сув тошқини, ёнғин, зилзила ва бошқа табиий офатлар) оқибатида юз берган бўлса, жавобгар ҳисобланмайди.

10.2. ФМХ таъсирига тушган томонлар дарҳол бошқа томонга бу ҳолат ҳақида хабардор қилишлари шарт. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддатлари энгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (ФМХ) амалда бўлган вақтга мутаносиб равишда бошқа муддатга кўчирилади.

## **ХІ. АЛОҲИДА ШАРТЛАР**

11.1. \_\_\_\_\_.

11.2. \_\_\_\_\_.

## **ХІІ. БОШҚА ШАРТЛАР**

12.1. Томонлар ушбу Шартнома асосида мазкур Шартноманинг қатъий махфийлигини таъминлаш ва ўзаро келишмасдан уни учинчи шахсга ошкор қилмаслик мажбуриятини ўз зиммасига оладилар, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

12.2. Ушбу кредит Шартномаси имзоланган вақтдан бошлаб то Қарз олувчи томонидан Банк олдидаги барча мажбуриятлар тўлиқ бажарилишига қадар амал қилади.

12.3. Ушбу Шартнома томонларнинг ҳар бирида биттадан сақланадиган жами 2 нусхада тузилган бўлиб, уларнинг ҳар бири юридик кучга эга.

12.4. Шартнома шартларини ўзгартириш томонларнинг қўшимча ёзма келишуви бўйича амалга оширилади ва бу келишув ушбу Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

12.5. Ушбу билан Қарз олувчи ушбу Шартнома бўйича уни тузиш шартлари, тақдим этилган таъминот ва Қарз олувчи томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилиши хусусидаги маълумотлар Кредит ахбороти миллий институтига, «Кредит–ахборот таҳлилий маркази» Кредит бюроси» МЧЖга, ва бошқа кредит бюроларига тақдим этилиши ва олинишига ўз розилиги беради ҳамда олинаётган кредит бўйича таъминот сифатида тақдим этилаётган мол-мулк тўғрисидаги маълумотлар ЎЗР «Гаров реестри тўғрисида»ги Қонунининг 10-моддасига асосан реестрда қайд этилишига ўз розилигини беради.

12.6. Низолар юзага келган тақдирда Қарз олувчининг шахсий ҳисобварақларидаги банк ёзувлари Қарз олувчининг мажбуриятлари амалга оширилиши ва улар миқдорининг устувор далил-исботи ҳисобланади.

12.7. Агар Қарз олувчи ўз мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажармаслиги оқибатида кредит бўйича ундирув Банк ва Компания ўртасида тузилган Депозит гарови шартномаси бўйича



гаровга олинган маблағ ёки портфел кафиллиги ҳисобидан амалга оширилганда, Компанияда ушбу қарздорликни регресс тартибда Қарз олувчидан ундириш ҳуқуқига эга бўлади.

### **XIII. ҚАРЗ ОЛУВЧИНИНГ ТАСДИҚЛАРИ**

13.1. Ушбу билан Қарз олувчи қуйидагиларни тасдиқлайди:

а) Қарз олувчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ белгиланган тартибда ташкил этилган ва рўйхатдан ўтган, ўз фаолиятини амалга ошириш учун барча зарур махсус рухсатномаларга (лицензияларга) эга бўлган юридик шахсдир;

б) Қарз олувчи ўзига тегишли бўлган мол-мулкка ва бошқа активларига эгалик ҳуқуқига ёки бошқа ашёвий ҳуқуққа эга;

в) Мазкур шартномани имзолаган шахслар Қарз олувчининг таъсис ҳужжатларига ва бошқа ҳужжатларига мувофиқ ушбу шартномани имзолашга тегишли ваколатга эга бўлиб, амалдаги қонунчиликка мувофиқ шартномада назарда тутилган мажбуриятлар Қарз олувчи учун ҳақиқий ва қўлланилиши мумкин;

г) ушбу шартноманинг имзоланиши, унинг бажарилиши Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига, Қарз олувчининг норматив ҳужжатларига, шунингдек, Қарз олувчи иштирок этадиган учинчи шахслар билан тузилган бошқа шартномаларга зид эмас;

д) Қарз олувчининг мазкур шарнома бўйича мажбуриятларига қонуний тус бериш учун зарур бўлган барча керакли рухсатномалар, лицензиялар, ваколатлар, истиснолар, рўйхатга олишлар, нотариал тасдиқлашлар ва бошқа ҳаракатлар олинган ва кучга кирган;

е) Қарз олувчига нисбатан маъмурий ёки суд ҳаракатлари қўзғатилмаган ва Қарз олувчининг фаолиятига ёки унинг ушбу шартнома бўйича мажбуриятларини бажаришига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган учинчи шахслар олдидаги бажарилмаган мажбуриятлари мавжуд эмас.

### **XIV. ХАБАР БЕРИШ, ТАЙИНЛАНГАН ВАКИЛЛАР ВА ЎЗГАРТИРИШЛАР**

14.1. Ушбу Шартнома бўйича талаб қилинадиган ёки рухсат этилган барча хабарномалар ёки сўровномалар ёзма шаклда тақдим этилади. Бундай хабарнома ёки сўровнома йўлланаётган томонга шахсан топширилганда, почта, телеграф, телекс ёки факсимиле алоқаси бўйича унинг қуйида кўрсатилган манзилига ёки томон сўровнома ёки хабарнома тақдим этаётган ёки юбораётган томонга ёзма шаклда кўрсатган исталган бошқа манзилга етказилганда тегишлича топширилган ёки амалга оширилган ҳисобланади.

*ШУЛАРНИНГ ДАЛИЛИ СИФАТИДА ВА ЮҚОРИДАГИЛАРНИ ТАСДИҚЛАШ МАҚСАДИДА*, ушбу шартноманинг томонлари ўзларининг тегишлича ваколатланган вакиллари орқали ҳаракат қилган ҳолда, ўзбек тилида, ҳар бири асл ҳисобланадиган жами икки (2) нусхадаги ушбу шартномага \_\_\_\_\_ шахрида, юқорида кўрсатилган йил ва кунда имзо чекишди.

### **XV. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ**

«Банк»:

«Қарз олувчи»:

«InfinBank» АЖ

\_\_\_\_\_